ISSN 2091-5594

# UZLUKSIZ TA'LIM

ILMIY-USLUBIY JURNAL №5




Тошкент — 2014

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги,
Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Педагогика
фанлари илмий тадқиқот институти

# UZLUKSIZ TA'LIM

ILMIY-USLUBIY JURNAL

2014, № 5

*Рисбой ДЖУРАЕВ* — бош муҳаррир

*Муҳайё ИНОЯТОВА* — масъул котиб

Журнал 2001 йилдан нашр қилина бошлаган.

**Ўз МАА**дан 2007 йил 3 январда **№ 0101**-тартиб рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

Журналга келган мақолаларга жавоб қайтарилмайди, эълон қилинган мақолалардан олинган парчалар «Узлуксиз таълим» журналидан олинди, деб кўрсатилиши лозим. Журналга 1,5 интервалда 7-8 бет ҳажмдаги материал Times New Roman шрифтида электрон версияси билан бирга қабул қилинади.

**Таҳрир ҳайъати:**

*Улуғбек ИНОЯТОВ*
*Ҳикматилла РАШИДОВ*
*Бахтиёр ДОНИЁРОВ*
*Собитхон ТУРҒУНОВ*
*Холбой ИБРАГИМОВ*
*Ислом ЗОКИРОВ*
*Роҳатой САФАРОВА*
*Агрепина ШИН*
*Малоҳат АЪЗАМОВА*
*Шавкат ҚУРБОНОВ*

**Таҳририят манзили:**

100027, Тошкент ш.,
Ўзбекистон шоҳкўчаси, 98-уй.

ЎзПФИТИ

Тел.: 227-46-61

Факс: 140-02-26

e-mail: uzluksiztalim@inbox.uz

## ТАЪЛИМ МАЗМУНИ УЗЛУКСИЗЛИГИ

3 *А.Сулаймонов, Б.Джураева, Н.Авазова*
Узвийлик принциплари асосида болаларнинг тасвирий фаолият натижаларини баҳолаш

8 *Р.Ғ.Сафарова*
Узлуксиз таълим жараёнида ҳосил қилинадиган дидактик вазиятлар таркибий қисмлари орасидаги узвийлик ва узлуксизлик

12 *З.Ғаппаров, Ж.Иштаев*
Мактаб ва коллеж ўқувчиларида тезкор ҳаракат қобилиятини ривожлантириш

18 *И.Тўрақулова*
Узлуксиз маънавий-иммунологик тарбия тизимини шакллантириш учун маълумотлар базасини яратиш технологияси

23 *Н.Р.Мусулманова*
Узлуксиз таълим муассасаларида педагогик тажриба-синов ишлари механизмларини жорий этиш тажрибасидан

27 *Н.С.Файзуллаева*
Кадрлар бозорини ривожлантиришда таълим хизматларининг амалий жиҳатлари

33 *Б.Жўраев*
Ҳуқуқий билимларни ўзлаштиришда ўқитувчи билан ўқувчи ҳамкорлигининг ўзига хос жиҳатлари

38 *M.Xalilova*
Musiqa ta'limi strategiyasini belgilashda zamonaviy texnologiyalar

44 *С.Низомова*
Кимё фанини ўқитишда замонавий таълимнинг аҳамияти

49 *Ш.Рахимова*
Ўқувчиларни ташхислаш ва баҳолашда таяниладиган принциплар узвийлиги

54 *Г.Ибрагимова*
Таълим жараёнида ўқитувчи ва ўқувчи ижодкорлик фаолиятини узлуксиз ривожлантириб боришнинг аҳамияти

59 *Н.А.Мирзаева*
Ўқувчи-талабаларнинг экологик онг ва тафаккурини шакллантиришда экотренинг воситасидан фойдаланиш самарадорлиги

65 *Р.Х.Джураев, Ш.К.Мардонов*
Новые ценности педагогического образования

70 *Д.Мирзабдуллаева*
Конфликтологическая компетентность педагогов в системе непрерывного образования

## УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА МЕДИАТАЪЛИМ: МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР

75 *Д.Ш.Зиядуллаев, Г.Э.Зиёдуллаева*
Жаҳон фан ва таълим ресурсларидан фойдаланиш ва уларни илм-фанга татбиқ этиш масалалари

80 *Ш.Бурҳонов*
Узлуксиз таълим тизимида ахборот маданияти намоён бўлиш мезонлари

86 *M.X.Akbarova, D.Xatamova*
Botanika darslarida izohli lug'at bilan ishlash

## КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШ ВА ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТ

92 *A.Turg'unboyeva*
Uzluksiz ta'lim tizimida pedagogning refleksiv-perseptiv ko'nikmalarini shakllantirishning o'ziga xos xususiyatlari

97 *В.Раҳмонова*
Касб-ҳунар ва олий таълим тизими узвийлигини таъминлашга замонавий ёндашув

102 *Ш.Болтаева, Ё.Мирсанова*
Таълим тизимида ўқувчининг ижодий фаолиятини шакллантиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари

108 *D.Xodjakulova*
O'quvchi-yoshlar kamolotida kasb tanlash va uning tarbiyaviy ahamiyati

## ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ – ДАВР ТАЛАБИ

114 *N.Saparova, L.Alibayeva*
Ingliz tili darslarini uzluksiz tashkil etishda innovatsion texnologiyalar

119 *Ш.Рустамова, Т.Кавилова, М.Расулова*
Узлуксиз таълим тизимида хорижий тилларни ўқитишнинг назарий масалалари

## ТАҲЛИЛ. ТАҚРИЗ. ТАКЛИФ

124 *Р.Х.Джураев*
Д.У.Эргашев ва Х.Ш.Қодировларнинг «Касб таълими ўқитувчиларининг билим, кўникмаларини ривожлантиришда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш методикаси» номли монографиясига тақриз

126 *Б.Онорбоев*
Р.Х.Джураев ва У.Н.Тайлаковларнинг «Умумтаълим мактаблари учун интерактив электрон ўқув комплекслар ишлаб чиқиш ва ундан фойдаланиш методлари» номли монографиясига тақриз

# УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ПЕДАГОГИК ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТАЖРИБАСИДАН

***Н.Р.МУСУЛМАНОВА,***
*Қарши ДУ "Ўзбек тилшунослиги" кафедраси*
*доцент в.б., ф.ф.н.*

***Мақолада** олий педагогик таълим муассасалари талабаларининг педагогик амалиёт ўташ жараёнида ўқитувчилик касбига нисбатан қизиқишларини янада такомиллаштиришда тажриба-синов ишларининг аҳамияти очиб берилган.*

***Таянч сўз ва иборалар:** умумий ўрта таълим мактаблари, педагогика коллежлари, олий педагогик таълим, талабалар, педагогик амалиёт, педагогик тажриба-синов ишлари.*

***The summary:** in clause the meaning of pedagogical experimental jobs in increase of interest to a trade at the future teachers is opened during passage of pedagogical practice of the students of maximum pedagogical educational establishments.*

***Key words:** general educational high schools, pedagogical colleges, maximum pedagogical education, students, pedagogical practice, pedagogical experiment.*

***В статье** раскрыто значение педагогических экспериментальных работ в повышении интереса профессии у будущих учителей в период прохождения педагогической практики студентов в учреждениях непрерывного образования*

***Ключевые слова:** общеобразовательные средние школы, педагогические колледжи, высшее педагогическое образование, студенты, педагогическая практика, педагогический эксперимент.*

Маълумки, олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабалар тажриба-синов майдончасининг асосий иштирокчилари ҳисобланиб, ўзлари мустақил ҳолда ёки профессор-ўқитувчилар ёрдамида тажриба-синов ишларини олиб бориш имкониятларига эга. Хусусан, педагогика йўналишидаги олий ўқув юрти талабалари Давлат таълим стандартлари ва ўқув режасига мувофиқ педагогик амалиёт ўташи ва баҳоланиши зарур. Бу борада педагогик амалиёт ўталадиган мактаб, лицей ва коллежлар, баъзи ҳолларда мактабгача ёки мактабдан ташқари муассасаларда тажриба-синов майдончаларини ташкил этиш имконияти яратилади. Бунда узлуксиз таълим тизими муассасалари; мактаблар, коллежлар ҳамда олий педагогик таълим муассасаларининг ўқувчи-талабалари бевосита педагогик тажриба-синов иштирокчиларига айланадилар.

Педагогик йўналишдаги олий таълим муассасаларининг 4-курс талабалари давлат педагогик амалиётини халқ таълими муассасаларида ўтaшади. Айнан Қарши давлат университети талабалари ҳам Қарши шаҳридаги мактаблар, мактабгача, мактабдан ташқари таълим муассасаси ва педагогика коллежида шартнома асосида амалиёт ўтaшади. Биз амалиёт давомида халқ таълими муассасаларида тажри-

ба-синов ишларини ташкил қилиш ва олиб бориш йўл-йўриқларини амалиётчи талабалар ҳамда мазкур мактаб ўқитувчилари билан бирга ўрганиб чиққан ҳолда, қуйидаги ишларни амалга оширдик.

Педагогик тажриба-синов ишларини илмий асосда ташкил этиш моделига кўра, ўтказилаётган тажриба-синов самарадорлигини таъминлаш мақсадида амалиётда уни босқичларга бўлиб ўрганиш тавсия этилган.

**Шунга кўра, тажриба-синовнинг 1-босқичи** учун амалиётчи-талаба-педагог уч йўналишдаги гуруҳ саволларига ёзма жавоб бериши сўралади.

**Саволларнинг биринчи гуруҳи – "педагогик фаолиятнинг ўзига хослиги"**га тегишли бўлиб, қуйидагиларни ўз ичига олади:

– Сизнинг педагогик амалиётингиздаги ўзига хосликлар нимадан иборат, таълим-тарбия жараёнида ниманинг ҳисобига ижобий натажаларга эришмоқчисиз?

– Амалиётдан қандай натижаларни кутмоқдасиз?

– Амалиётдан кўзланган натижаларга эришишга йўналтирилган педагогик усуллар, техникалар, методика ва технологиялар мажмуи нималардан иборат?

– Тажриба-синов давомида ўқувчига ўтказиладиган педагогик таъсирнинг анъанавий усуллардан фарқи нимада?

– Сизнинг педагогик амалиётингизда ўқувчилар ҳолатидаги ижобий ўзгаришларга эришишга ёрдам берадиган мазмун нимадан иборат?

**Саволларнинг 2-гуруҳи – "педагогик мақсад"га тегишли:**

– Ўқувчининг ҳолатида қандай ўзгаришларни содир қилиш режалаштирилмоқда (ёки қилинди)?

– Амалиёт давомида аниқ педагогик мақсад нимадан иборат?

– Амалиётда таълим-тарбиядан кутилаётган натижалар нималардан иборат?

– Педагоглар ва амалиётчи талабаларнинг тажрибавий фаолияти ўқувчида қандай шахсий хусусиятларни ривожлантиришга қаратилган?

– Талабанинг тажриба жараёнида ўзлаштирган (ёки ўзлаштираётган) билим ва кўникмаларини характерловчи ўзига хос томонлари нималардан иборат?

**Саволларнинг 3-гуруҳи – "натижалилик"ка дахлдор:**

– Ўқувчиларда тегишли ўзгаришлар содир бўлганлигини педагог қайси йўл билан фарқлаб (кузатиб, аниқлаб, белгилаб) боради?

– Педагогик фаолиятнинг самарадорлиги таълим олувчининг ҳолатидаги қандай белгиларга кўра баҳоланади?

Тажриба-синовнинг биринчи босқичи экспериментатор амалиётчи талабаларнинг ўз педагогик хатти-ҳаракатларини англаш қобилиятини ривожлантиришни кўзда тутади. Амалиётчи талабалар бу босқичда: "Педагог экспериментатор сифатида мен нима иш қила оламан? Мен бу вазифани қандай қилиб амалга ошираман? Қандай натижаларга эришаман ва улар нима учун керак?" деган саволларга аниқ ва равшан жавоб топишади.

Демак, таъкидлаб ўтилганидек, тажриба-синовнинг асосий мақсади таълим сифати ва самарадорлигини оширишдан иборатдир. Ушбу мақсадни амалга ошириш эса услубиётчи талабалардан (шу жумладан педагоглардан ҳам) дарсларни анъанавий дарслардан фарқли равишда янги педагогик технологиялар асосида ташкил этишни талаб қилади. Дастлаб талабалар тажрибали фан ўқитувчиларининг дарсларини кузатишади. Кузатувлар давомида дарс самарадорлигига таъсир қиладиган ижобий ва салбий томонларни, оқибатларни услубиётчи ўқитувчилар билан муҳокама қилишади. Чиқарилган хулосалар натижасида тажриба-синов ишларининг режалари тузиб олинади. Мустақил равишда дарс ўтишни бошлаган талабалар дастлаб янги педагогик технологияларни дарснинг тури (фан) ва мавзуларига мослаштирган ҳолда ишлаб чиқадилар. Она тили ва адабиёт фанидан ўтиладиган мавзулар ўқувчи оғзаки ва ёзма нутқини ўстиришга қаратилганлиги сабабли лексик ҳамда грамматик жиҳатдан мувофиқлаштирилади. Ўқувчиларнинг эслаб қолиш қобилиятини ошириш мақсадида турли *ўйинли технологиялар ишлаб чиқилади ҳамда дарсларда қўлланади.*

Дарслар таҳлилига кўра, тажрибалар шуни кўрсатадики, замонавий педагогик технологиялар ёрдамида ўтилган дарслар ўқувчининг мавзуни мукаммал ўзлаштиришига, вақтни тўғри тақсимлашга, ўтилган мавзуларни янги мавзулар билан боғлашга, ўқитилаётган фанни бошқа ёндош фанлар билан боғлашга, умуман олганда, дарс самарадорлиги ва сифатини оширишга катта ёрдам беради.

Университетнинг филология факультети талабалари ўрта мактабда ўтилган она тили ва адабиёт дарсларида олий таълим тилшунослик ва адабиётшунослик дарсларида қўлланган ҳамда ўрганилган замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан жуда унумли фойдаландилар.

Хусусан, 9-синф адабиёт дарсида шоир ва ёзувчиларнинг ҳаёти, ижод намуналарини интерфаол “Кластер” усулининг ўзлари талқин қилган янгича “Кластернинг матний шакли” асосида тушунтиришга ҳаракат қилишди. Масалан, ёзувчи ва шоирларнинг ҳаётини “туғилган йили – туғилган жойи – оиласи – устозлари – ҳаётидаги муҳим маълумотлар – дастлабки ижод намуналари – йирик асарлари – ва ҳ.к.” занжири асосида тушунтириш, кичик шаклдаги матнлар туздириш ҳам ўқувчининг матн *(ёки кичик ҳикоячалар)* тузиш, эслаб қолиш кўникмаларини шакллантиришга катта имконият бериши маълум бўлди. Ижодкорларнинг ижод намуналарини бир-биридан мавзу ва мазмун жиҳатидан фарқлашга ўргатиш мақсадида “Венн диаграммаси” усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги эътироф этилди. Масалан:

1. Алишер Навоийнинг “Хамса”, Носириддин Рабғузийнинг “Қисаси Рабғузий”, Бобурнинг “Бобурнома” асарларининг “Венн диаграммаси” асосида умумий ва фарқли томонларини тавсифлаб беринг.

2. Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ойбек романларини “Венн диаграммаси” асосида умумий ва фарқли томонларини тавсифлаб беринг.

3. Абдулла Орипов лирикасида мавзулар ранг-баранглигини “Венн диаграмма-

си" асосида умумий ва фарқли томонларини тавсифлаб беринг.

Бу технология ўқувчиларнинг нафақат мавзуни ўзлаштириб олиши, балки уларни қиёслаб ўрганишига ҳам кўмаклашади. Ахборот технологиялари ёрдамида намойиш этилган, слайд-презентация асосида тайёрланган намуналар эса ўқувчиларнинг вазифаларни тўғри бажаришига катта ёрдам беради.

Бундан ташқари ""Б.Б.Б.", "Синквейн", "Елпиғич", "Ақл чархи", "Пирамида" каби кўплаб интерфаол усуллар дарсларнинг сифати ва самарадорлигини таъминлашда муҳим ўрин тутади.

Амалиёт сўнгида дарслар турли усуллар ва услублар билан ўтилганлигига қараб таҳлил қилинади. Тажриба-синовнинг 1-босқичи учун амалиётчи-талабаларга берилган уч йўналишдаги гуруҳ саволларига берилган жавоблар янада муайянлаштирилади. Шундай қилиб, тажриба-синовнинг биринчи босқичида экспериментатор-амалиётчи-талабаларнинг ўз педагогик ҳаракатларини англаш қобилиятини ривожлантириш кўзда тутилган бўлиб, амалиётчи бу босқичда "Педагог экспериментатор сифатида мен нима иш қила оламан? Мен бу вазифани қандай қилиб амалга ошираман? Қанақа натижаларга эришаман ва улар нима учун керак?" деган саволларга аниқ ва равшан жавоб топган бўлиши шарт.

Таълимни тарбия билан узвий равишда олиб бориш бугунги кун педагогикасининг асосий вазифаларидан биридир. Ўқитилаётган фанлар ва мавзуларда қўлланилаётган замонавий педагогик технологияларнинг мақсади ўқувчиларда таълим-тарбия муаммосини бартараф этишдан иборат. Она тили ва адабиёт фанлари тарбиявий ишлар самарадорлигини оширишда етакчилик қиладиган фанлардан ҳисобланади. Агар эътибор қилинса, она тили дарсликларида келтирилаётган машқлар, таҳлил учун бериладиган матнлар миллий менталитетимизга, яъни миллий урф-одатлар, қадриятлар, анъаналарга хос равишда берилмоқда. Амалиёт давомида талабалар тажриба-синов майдончаларида ушбу ғояларни ўқувчилар онгига беғараз сингдириш чора-тадбирларини кўришлари лозим.

Шунингдек, педагогик амалиётда талабалар ўқувчиларни она тили ва адабиёт фанларига қизиқтириш, шу фанлардан таълим самарадорлигига эришиш мақсадида Қарши педагогика коллежи ҳамда шаҳарнинг бир қатор мактабларида олиб борган тажриба-синов ишлари муваффақиятли якунланиб, ўша гуруҳ ва синфларда таълим самарадорлиги назорат гуруҳ-синфларига нисбатан 10-12% га ошганлиги фикримизни тасдиқлайди.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Р.Мусурманов. Педагогик тажриба-синов ишларини жорий этиш механизмлари. – Тошкент, 2013. – 122 б.

2. Сиденко А.С. Педагогический эксперимент в школе – М.: ж. "Педагогика", 2005. – № 1.

*Журналнинг ушбу сонини
тайёрлашда қатнашганлар:
И.Н.Стыркас, М.Э.Иноятова, Л.М.Қорахонова
Мусаҳҳиҳ – Ҳ.Нишонов*

*Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигидан
03.01.2007 йилда № 0101 тартиб рақами билан
рўйхатдан ўтган.*

*«Узлуксиз таълим» журнали Ўзбекистон Республикаси ОАК
раёсатининг 2013 йил 30 декабрдаги 201/3-сонли қарори билан педагогика ва
психология фанлари бўйича илмий журналлар
рўйхатига киритилган.*

Босишга рухсат этилди: 03.10.2014 й. Қоғоз бичими 70х100 1/16.
Офсет босма усулида босилди. 8 босма табоқ.
Адади 2797 нусха. Буюртма 3616

**“Sharq” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмахонаси,
100000, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй**

• \Ш Ж WTЖ/"С * ш

**илмий-услубий журналига 2015 йил учун обуиа булинг!**

*Обуиа индекслари:*

*Якка обуначтлар учун — 993*
*Ташкилот ва корхоналар учун — 994*

v